



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

9 ЖИЛД, 4/2 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 9, НОМЕР 4/2

LOOK TO THE PAST

VOLUME 9, ISSUE 4/2



ТОШКЕНТ-2026

Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
ЎзР. ФА. Тарих институти

Агзамова Гулчехра Азизовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
ЎзР. ФА. Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори (DSc),
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети

Аминова Азиза Марковна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Навоий давлат педагогика институти

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори (DSc),
Тошкент ирригация ва кишлок хужалигини механизациялаш мухандислари институти Миллий тадқиқот университети

Худайқулов Тулқин Дўстбоевич
Тарих фанлари доктори (DSc)
Шаҳрисабз дала педагогика институти

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Қариши давлат техника университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Қариши давлат университети

Махкамova Надира Рахмановна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Тошкент ахборот технологиялари университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори (DSc),
Телави давлат университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодири Абдуллаевна
тарих фанлари доктори (DSc),
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ермегов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Хайдаров Ғайратбек Мирзапўлатович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Андижон давлат университети

Рашидов Ойбек Расулович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Қозогистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори (DSc), профессор,
Қозогистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Тожибоев Музаффар Турдибоевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
ИИВ Академияси

Алиева Лале
тарих фанлари доктори (DSc),
Озарбайжон давлат университети

Саипова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори (DSc),
Догистон мустақил университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Таниева Гулдона Мамановна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Низомий номидаги Ўзбекистон Миллий педагогика университети

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайдон давлат
иқтисодиёт университети

Мирзалиев Улуғбек Бегмурзаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Гулистон
давлат педагогика институти

Нуруллаева Шоира Кушназаровна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Урганч давлат университети

Курбанов Бахтияр Журабаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
Наманган давлат университети

Ҳакимова Шоира Сағдуллаевна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), UBS Тошкент филиали

Толибоева Нодира Одилжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети
Масъул котиб

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Джоробекова Айнур Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Рахмонқулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исаков Баҳадир Нигматуллаевич
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Холмуродов Дилшод Рашидович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Жиззах давлат
педагогика университети

Юсупов Аҳмеджон Шоназарович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доценти
Urganch davlat universiteti

Тиллажаева Хуршида Джумаваевна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
Тошкент давлат техника университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети
Масъул котиб

Исоқов Бахтиёр Робидинович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Наманган давлат университети

Тўхтабасв Аъзамжон Шарипхўжаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент,
Наманган давлат университети

Халмуратов Бахтиёр Режавалиевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент,
Наманган давлат университети

Алимардонов Отабек Қудратович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доценти
Ўзбекистон Миллий университети


Турсунова Юлдуз Бобоқулловна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
ЎзР. ФА. Тарих институти

Азаматова Гулмира Байирбековна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
Jizzax davlat pedagogika universiteti

Каримжонов Жасурбек Мухторжонович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
Ўзбекистон Миллий университети

МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT


| | |
|--|-----|
| 1. Рахбархон Муртазаева ЭЛЕМЕНТЫ МУЛЬТИКУЛЬТУРАЛИЗМА В ГОСУДАРСТВЕННОЙ ПОЛИТИКЕ УЗБЕКИСТАНА: НОРМЫ, ИНСТИТУТЫ И ПРАКТИКИ..... | 5 |
| 2. Боходир Эшов, Гайбулла Уралов ИЗ ИСТОРИИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ВОЕННЫХ ОТНОШЕНИЙ ПРЕДСТАВИТЕЛЕЙ ДИНАСТИИ МАНГЫТОВ..... | 14 |
| 3. Nilufar Djurayeva XOTIN-QIZLAR TASHKILOTLARINING SHAKLLANISH TARIXI VA ILMIY-NAZARIY ASOSLARI..... | 21 |
| 4. Бекзод Пайзуллаев ОСНОВНЫЕ ТОРГОВЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ МЕЖДУ БУХАРСКИМ ЭМИРАТОМ И КОКАНДСКИМ ХАНСТВОМ..... | 44 |
| 5. Farhod Usmanov O‘ZBEKISTONDA BOLALAR QAROVSIZLIGINI BARTARAF ETISHDA BOLALAR UYLARINING AHAMIYATI..... | 53 |
| 6. Baxtiyor Xudoyberdiyev MALLAXON DAVRIDA QO‘QON XONLIGI VA BUXORO AMIRLIGI O‘RTASIDAGI MUNOSABATLAR..... | 60 |
| 7. Azamat Abduraxmonov SURXONDARYODA MADANIY MEROS YODGORLIKLARINI ILMIY TADQIQ ETISHNING ASOSIY YO‘NALISHLARI: TARIXIY TAHLIL (XIX asrning ikkinchi yarmidan - hozirgi kungacha)..... | 65 |
| 8. Фаррух Акчаев ЎЗБЕКОНА МИЛЛИЙ ВА ДИНИЙ ТАРБИЯ УСУЛЛАРИНИНГ МАРОСИМЛАРДА АКС ЭТИШИ..... | 72 |
| 9. Shuxrat Bozorov ALEKSANDR BYORNSNING BUXORO AMIRLIGIDAGI DIPLOMATIK VA JOSUSLIK MISSIYASI: GEOSIYOSIY MAQSADLAR VA TARIXIY TAHLIL (1832-yil)..... | 81 |
| 10. Татьяна Дорошенко ФОРМИРОВАНИЕ АРМИИ В.АНДЕРСА В УЗБЕКИСТАНЕ В ГОДЫ ВТОРОЙ МИРОВОЙ ВОЙНЫ..... | 87 |
| 11. Наим Обломуратов СОҲИБҚИРОН МЕРОСИ ВА ЗАМОНАВИЙ ТАРИХИЙ ТАФАККУР..... | 96 |
| 12. Nargiza Choriyeva SAMARQAND VILOYATINING TURIZM SALOHİYATI VA UNI RIVOJLANTIRISH ISTIQBOLLARI..... | 104 |



Наим Халимович Обломуратов,
Тошкент давлат иктисодиёт университети профессори,
тарих фанлари доктори

СОҲИБҚИРОН МЕРОСИ ВА ЗАМОНАВИЙ ТАРИХИЙ ТАФАККУР

For citation: Naim Kh.Oblomuradov. THE LEGACY OF SAHIBKIRAN AND MODERN HISTORICAL THINKING. Look to the past. 2026, vol. 9, issue 4/2.

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.19846481>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Амир Темур шахсияти ва давлатчилик мероси замонавий тарихий тафаккур нуқтаи назаридан таҳлил қилинган. Тадқиқотда XIV аср сиёсий муҳити, Соҳибқироннинг ҳокимиятга келиши, марказлашган давлат барпо этиш жараёни, ҳарбий-сиёсий фаолияти, дипломатик муносабатлари ва Темурийлар даврига таъсири ёритилган. Шунингдек, Амир Темур образининг турли манбалардаги талқинлари қиёсий асосда кўриб чиқилган. Амир Темур меросининг бугунги давлатчилик ва миллий таракқиёт тафаккури билан боғлиқ жиҳатлари асосланиб, ушбу йўналишдаги тарихий тадқиқотлар истиқболи бўйича долзарб таклиф-тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: Амир Темур, давлатчилик, марказлашган давлат, тарихий тафаккур, Темурийлар, дипломатия, ҳарбий санъат, Буюк Ипак йўли, ворисийлик, Янги Ўзбекистон

Наим Халимович Обломуратов,

профессор Ташкентского государственного
экономического университета,
доктор исторических наук

НАСЛЕДИЕ САХИБКИРАНА И СОВРЕМЕННОЕ ИСТОРИЧЕСКОЕ МЫШЛЕНИЕ

АННОТАЦИЯ

В статье проанализированы личность Амира Темура и его государственно-политическое наследие с позиции современного исторического мышления. В исследовании были освещены политическая обстановка XIV века, приход Сахибкирана к власти, процесс создания централизованного государства, его военно-политическая деятельность, дипломатические связи и влияние на эпоху Тимуридов. Также на сравнительной основе были рассмотрены интерпретации образа Амира Темура в различных источниках. На основе анализа аспектов наследия Амира Тимура, имеющих отношение к современному пониманию государственности и национального развития, предлагаются соответствующие рекомендации относительно перспектив исторических исследований в этой области.

Ключевые слова: Амир Темур, государственность, централизованное государство, историческое мышление, Тимуриды, дипломатия, военное искусство, Великий шелковый путь, преемственность, Новый Узбекистан

Naim Kh.Oblomuradov,
Professor of the Tashkent State University of Economics,
Doctor of Historical Sciences

THE LEGACY OF SAHIBKIRAN AND MODERN HISTORICAL THINKING

ABSTRACT

In this article, the personality of Amir Temur and his legacy of statehood were analyzed from the perspective of modern historical thinking. The study examined the political environment of the fourteenth century, his rise to power, the process of building a centralized state, his military and political activity, diplomatic relations, and influence on the Timurid era. Different interpretations of Amir Temur's image in historical sources were also comparatively reviewed. Based on the analysis of aspects of Amir Timur's legacy that are relevant to the modern understanding of statehood and national development, appropriate recommendations are offered regarding the prospects for historical research in this area.

Index Terms: Amir Temur, statehood, centralized state, historical thinking, Timurids, diplomacy, military art, Great Silk Road, continuity, New Uzbekistan

Долзарблиги:

Соҳибқирон Амир Темур ўз фаолиятининг кенглиги ва аҳамияти билан яққол ажралиб туради. У инсоният тарихида буюк давлат арбоби, энгилмас саркарда, жаҳон цивилизациясининг ривожига катта ҳисса қўшган иккинчи ренессансининг асосчиси сифатида муҳим ўрин тутди. Унинг давлатчилик фаолияти ҳақида сўз юритганда бир қатор ўзига хос жиҳатларини алоҳида таъкидлаш мумкин. Мамлакатни мўғул истибдодидан озод этиб, мустақил марказлашган давлатга асос солганлиги, Хитойдан то Ўрта ер денгизи соҳилларигача бўлган улкан худудни бирлаштириб ўзаро урушларга чек қўйганлиги, Буюк ипак йўли фаолиятини қайта тиклаганлиги, кудратли Олтин Ўрда давлатини тор-мор этилиши натижасида шарқий Европа халқларининг, айниқса, Россиянинг мўғул зулмидан озод бўлишини тезлаштирганлиги, фан ва маданиятнинг тараққий этишига ҳомийлик қилиш орқали жаҳон тарихида “Темурийлар даври ренессанси” номи билан шуҳрат топган иккинчи ренессансга асос солганлиги, шулар жумласидандир. Ўзбекистон Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев соҳибқирон Амир Темур таваллудига бағишланган халқаро илмий конференсидаги маърузасида: “Амир Темурдек тарихий шахсларни, саркарда ва соҳибқиронларни тарих тақозоси, шу замон талаблари, керак бўлса, замон эҳтиёжи ҳаётга олиб келади ва ул зотларнинг фазилятхусусиятларини намоён қилишга замин яратади... Кимки Амир Темур қадимий Туркистон заминида тасодифан пайдо бўлган деса, хато қилади. Нега деганда ҳеч нарса тўсатдан пайдо бўлмайди”, – дея таъкидлаган эди.

Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Тадқиқот жараёнида тарихий қиёслаш, тизимлаштириш, синтез, анализ, манбашунослик ҳамда фанлараро ёндашув каби усулларига таянилди.

Мавзуни тарихшунослик нуқтаи назаридан ўрганадиган бўлсак, уни 2 гуруҳга бўлиб, ўрганишимиз мумкин: Биринчи гуруҳга – Амир Темур ва Темурийлар даврида яшаган тарихчилар ва уларнинг асарлари; Иккинчи гуруҳга – юртимиз мустақиллик йилларида тарихчилар томонидан амалга оширилган тадқиқотлар.

Амир Темур ва темурийлар даврини ўрганишда Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”, Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома”си, Ибн Арабшоҳнинг “Ажойиб макдур фи тарихи Таймур” асари ва “Темур тузуклари (Малфузот)” каби асарлар асосий манбалар бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, испаниялик элчи Р.Г.Клавихонинг “

Самарқандга саёҳат кундалиги”, Буюк Темур қароргоҳи” ва бошқа ёзиб қолдирган қимматли асарларини ҳам киритиш мумкин.

Тарихчи

Ибн Арабшоҳнинг китобида Соҳибқироннинг туғилишидан тортиб, унинг зафарли юришларига қадар бўлган қисмларида муаллиф А.Темурнинг фаолиятига ижобий муносабатда бўлишдан ҳам кўра, кўпроқ танқидий ёндашганлиги сезилиб туради.

Мустақиллик йилларида юртимиз тарихчи олимлари – Б.Аҳмедов, А.Муҳаммаджонов, А.Аҳмедов, О.Во’ғиёев, К.Султонов, З.Ботиров, З.Муқимов, Ш.Ўлжаева, Т.Алимардонов, Б.Бобожонов, Б.Усмонов ва бошқаларнинг тадқиқотларида Амир Темур ҳамда Темурийлар даври ижтимоий-сиёсий, иқтисодий вазияти ўрганилган. Жумладан, Шоҳиста Ўлжаеванинг “Амир Темур дипломатияси” китобида ҳам Амир Темур ва Темурийларнинг кўшни ҳамда чет эл мамлакатлари билан олиб борган дипломатик алоқалари ҳақида сўз боради.

Тадқиқот натижалари:

XIV аср ўрталарига келиб Мовароуннаҳр ва унга туташ ҳудудларда сиёсий парокандалик, марказий ҳокимиятнинг сусайиши ва маҳаллий кучлар ўртасидаги кескин рақобат ҳукм сураётган эди. Чўғатой улусининг заифлашуви, маҳаллий амирлар ва қабилавий-ҳарбий кучлар ўртасидаги тўқнашувлар сиёсий барқарорликни издан чиқарди. Бу ҳолат фақат ҳокимият учун кураш билан чекланиб қолмади, балки шаҳарлар хавфсизлиги, савдо йўллари барқарорлиги, аҳолининг иқтисодий турмуши ва давлат бошқарувининг изчил тизимига ҳам салбий таъсир кўрсатди [1]. Мовароуннаҳрда юзага келган бундай вазият табиий равишда кучли сиёсий иродага, тартиб ўрната оладиган марказий ҳокимиятга ва турли кучларни ягона давлат тизимига бирлаштира оладиган арбобга эҳтиёжни кучайтирди [9].

Амир Темур ана шундай мураккаб тарихий муҳитда сиёсий майдонга кириб келди. Унинг фаолиятини англаш учун уни оддий ҳарбий саркарда сифатида эмас, балки давр эҳтиёжига жавоб берган, парокандаликни давлатчиликка айлантиришга интилган сиёсий арбоб сифатида баҳолаш зарур. Манбаларда унинг тарих саҳнасида чиқиши тасодифий ҳолат эмаслиги, балки XIV асрнинг иккинчи ярмида шаклланган сиёсий, ижтимоий ва ҳарбий шароит билан чамбарчас боғлиқ экани кўринади [1]. Унинг атрофида тўпланган кучлар фақат ҳарбий ғалабага эмас, балки тартиб, қонунийлик ва давлатчиликка бўлган эҳтиёжга ҳам таянган эди.

1370 йилдаги қурултой Амир Темур ҳаёти ва Мовароуннаҳр тақдирида бурилиш нуқтаси бўлди [13]. Унинг амир сифатида эътироф этилиши ҳокимиятнинг фақат қилич кучи билан эмас, балки сиёсий анъана, умумий розилик ва легитимлаштирувчи маросимлар орқали мустаҳкамланганини англатади [8]. Бу воқеа Амир Темурнинг шахсий юксалиши билан чекланиб қолмади, балки давлатчиликни қайта тиклашга қаратилган янги сиёсий босқични бошлаб берди [9]. Шу нуқтаи назардан қаралганда, 1370 йилни фақат тарихий сана эмас, балки сиёсий парокандаликдан марказлашган бошқарувга ўтишнинг амалий бошланиши сифатида баҳолаш мумкин [5].

Амир Темур ҳокимият тепасига келгач, аввало давлатчиликнинг институционал таянчларини мустаҳкамлашга киришди [2]. У давлатни шахсий нуфуз ва ҳарбий куч орқали бошқариш билан чекланмади. Аксинча, сарой, девон, ҳудудий бошқарув, молиявий назорат ва қўшин тизимини муайян тартиб асосида шакллантиришга ҳаракат қилди. Бунинг натижасида салтанат фақат юришлар орқали кенгайиб боровчи ҳарбий тузилма эмас, балки бошқарув механизмларига эга сиёсий тизимга айланди [11]. Давлатнинг ички барқарорлиги айнан шу институтларнинг самарали ишлашига таянди.

“Темур тузуклари”да давлат ишларини юритиш, амалдорларни танлаш, хизмат интизоми, раҳбар ва қўшин бошлиқларининг вазифаларига оид фикрлар аниқ баён қилинган. Манбада ақл, тадбиркорлик, садоқат, ҳушёрлик, эл-юрт манфаатини англаш каби сифатлар давлат хизмати учун асосий мезон сифатида кўрсатилган [3]. Бу ҳолат Амир Темур давлатни фақат қариндошчилик ёки шахсий яқинлик асосида эмас, балки хизматга лойиқлик ва масъулият тамойили орқали мустаҳкамлашга уринганини кўрсатади [5]. Бугунги сиёсий тил

билан айтганда, бу давлат бошқарувида меритократик унсурларнинг шакллана бошлаганини англатади.

Амир Темур давлатчилигининг яна бир муҳим жиҳати марказ ва ҳудудлар ўртасидаги муносабатларни амалий сиёсатга мослаштирганида кўринади. Салтанат ҳудуди кенг ва турфа сиёсий муҳитга эга бўлгани учун барча жойда бир хил бошқарув усулини қўллаш мумкин эмас эди. Шу сабаб стратегик аҳамиятга эга ҳудудларда бевосита назорат кучайтирилди, бошқа жойларда эса сиёсий тобелик, солиқ, ҳарбий хизмат ва вафодорлик орқали марказга боғлиқлик таъминланди. Бу ёндашув Амир Темур давлатчилигининг реалистик табиатини очиқ беради. У назарий идеал эмас, балки давр шароитига мос келадиган амалий бошқарув моделини барпо этди [11].

Амир Темурнинг давлат қуриш сиёсатида иқтисодий тартиб ва шаҳар ҳаётини тиклаш муҳим ўрин тутди [2]. Сиёсий барқарорлик ўрнатилмаган жойда савдо, хунармандчилик, солиқ тизими ва бозор муносабатлари ривожланмаслигини у яхши англаган. Шу боис давлат фақат ҳарбий юришлар ва сарой сиёсати билан чекланмасдан, иқтисодий ҳаётни жонлантиришга ҳам таянди. Манбаларда бозордаги қаллобликлар, таъмагирлик ва жамият ҳисобидан асоссиз бойишга интилиш каби ҳолатларнинг қоралангани ва тартибга солингани қайд этилади [10, 168-б.]. Бу эса кучли давлатнинг иқтисодий адолат ва маъмурий назорат билан уйғун ҳолда амал қилганини кўрсатади.

Амир Темур фаолиятида қарор қабул қилиш маданияти ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Қурултой, кенгаш ва машварат унинг давлатчилик тафаккурида марказий ўрин тутган. Бу институтлар шунчаки анъанавий йиғинлар ёки ташқи кўриниш учун ташкил этилган маросимлар эмас, балки сиёсий қарорни муҳокама қилиш, мувофиқлаштириш ва қонунийлаштириш воситаси бўлиб хизмат қилган [13]. Амир Темур турли фикрларни тинглаш, хавф ва имкониятларни баҳолаш, шундан сўнг қарор қабул қилишга интилган [3]. Бу ҳолат унинг ҳукмронлик услуби мутлақ иродага таянган бўлса ҳам, ақлий ҳисоб-китоб ва маслаҳатни инкор қилмаганини англатади.

Амир Темур давлатчилиги фалсафасида “Куч — адолатда” тамойили муҳим ўрин эгаллайди. Бу тамойил кучнинг манбаи зўравонлик эмас, балки тартиб, қонунийлик ва адолат эканини англатади. Амир Темур давлатни халқ манфаатини ҳимоя қилиш, бошбошдоқликни чеклаш ва жамиятда мувозанат ўрнатиш орқали қудратли деб тушунган [5]. Шу маънода адолатсиз куч емирувчи омилга айланса, адолат билан чекланган куч бунёдкор давлатчилик воситасига айланади. Бу ғоя Амир Темур меросининг фақат тарихий эмас, балки концептуал аҳамиятга ҳам эга эканини кўрсатади.

Амир Темур ҳукмронлигининг дастлабки босқичларида ички барқарорликни таъминлаш асосий вазифа бўлган бўлса, кейинги босқичларда унинг ташқи сиёсий фаоллиги кенгайиб борди [1]. У ҳарбий юришларни шунчаки ҳудудий экспансия воситаси сифатида эмас, балки салтанат хавфсизлиги, рақиб кучларни заифлаштириш ва ташқи нуфузни мустаҳкамлаш омили сифатида қўллади [7]. Бу ерда унинг ҳаракатлари фақат жанг майдонидаги жасорат билан эмас, балки узокни кўра билиш, макон ва вақтни ҳисоблаш, рақиблар ўртасидаги зиддиятлардан фойдаланиш каби стратегик тафаккур билан уйғунлашганини кўриш мумкин.

Амир Темур ҳарбий санъатининг энг муҳим жиҳатларидан бири қўшинни тартибли ташкил этиш, интизомни сақлаш ва сафарбарликни тез амалга ошириш қобилияти эди. Унинг қўшини фақат сон жиҳатидан кучли эмас, балки ички бошқарув ва бўйсунув нуқтаи назаридан ҳам мустаҳкам бўлган [7]. Манбаларда қўшинни тузиш, жойлаштириш, саркардалар вазифасини белгилаш, разведка ва ахборот йиғиш масалаларига алоҳида эътибор берилгани бежиз эмас [3]. Бу ҳолат Амир Темур жангни шунчаки қурол тўқнашуви эмас, балки ташкилот, ҳисоб-китоб ва раҳбарлик санъати деб тушунганини тасдиқлайди.

Унинг юришлари жараёнида ахборот ва разведка муҳим роль ўйнаган [7]. Душман кучлари, табиий шароит, йўллар, масофа, логистика ва рақиб давлатлар ўртасидаги муносабатлар ҳақида олдиндан маълумот тўплаш унинг ҳарбий қарорларида ҳал қилувчи аҳамият касб этган [5]. Шу сабаб у кўп ҳолларда жангга киришдан аввал сиёсий ва ҳарбий

муҳитни ўз фойдасига мослаштиришга эришган. Бу эса Амир Темурни фақат жасур саркарда эмас, балки маълумотга таянган стратег сифатида кўрсатади.

Амир Темурнинг ҳарбий-сиёсий фаолияти унинг дипломатик муносабатларига ҳам узвий боғлиқ эди. Самарқанд XIV аср охири ва XV аср бошларида фақат маъмурий марказ эмас, балки халқаро мулоқот майдонига айланди. Турли давлатлардан элчилар келиб-кетиши, сарой маросимлари, совғалар алмашинуви ва ёзма мулоқотлар Амир Темур давлатининг ташқи дунёга ёпиқ бўлмаганини кўрсатади. Бу муносабатлар расмий дипломатик протоколдан кўра кенгроқ аҳамиятга эга эди. Улар савдо, сиёсий тан олиш, стратегик алоқа ва давлат имижини шакллантириш воситаси бўлиб хизмат қилди [11].

Клавихо сафарининг амалга оширилиши ва Самарқанд ҳақида қолдирилган кузатувлар Амир Темур давлати халқаро эътибор марказида бўлганини тасдиқлайди. Испания билан алоқалар, Миср, Туркия, Хитой ва Ҳиндистон билан муносабатлар Амир Темур ташқи сиёсатининг тасодифий эмас, балки тизимли бўлганини англатади [12]. Шу жиҳатдан унинг дипломатик сиёсатини ҳарбий юришларнинг кўшимча воситаси деб эмас, балки мустақил стратегик йўналиш сифатида баҳолаш лозим.

Дипломатия ва савдо йўллари Амир Темур салтанатида бир-биридан ажралмас жараён эди [14]. Буюк Ипак йўли давлатчиликнинг геоиктисодий устунига айланди. Карвонлар хавфсизлиги, бозорлар тартиби, шаҳарлар ободлиги ва ҳунармандчилик марказларининг фаоллашуви иқтисодий фойда билан бир қаторда сиёсий нуфуз ҳам келтирди [2]. Самарқанд, Бухоро ва Шаҳрисабз каби марказлар айнан шу шароитда тараққиёт нуқтасига айланди. Шу боис Амир Темур сиёсатида йўллар ва шаҳарлар устидан назорат ҳарбий ғалаба каби муҳим ҳисобланган.

Савдо билан бирга ғоялар, меъморий услублар, амалий санъат, дипломатик одоб ва маданий таъсирлар ҳам ҳаракатланган [6]. Самарқандда турли ўлкалардан келган усталар, уламолар ва савдогарлар фаолияти кўп қатламли маданий муҳитни шакллантирди. Шу маънода Амир Темурни фақат ҳудудларни эгаллаган ҳукмдор эмас, балки маконларни боғлаган, йўллар хавфсизлигини таъминлаган ва цивилизация алоқаларни тартибга солган сиёсий ташкилотчи сифатида ҳам баҳолаш мумкин. Зеро, Темур тузукларида ёзилганидек, “Раият аҳволидан огоҳ бўлдим. Улуғларни ота қаторида, кичикларни фарзанд ўрнида кўрдим. Ҳар ернинг табиати, ҳар эл юрт ва шаҳарнинг расму одатлари ва мезождан вофиқ бўлиб турдим. Ҳар бир юрт шаҳар аҳолисининг улуғлари билан дўст тутиндим. Уларнинг мижозлари ва табиатига тўғри келган, ўзлари таниган одамларни уларга ҳоким қилиб тайинладим” [3]. Юқоридаги фикрлардан билиш мумкинки, буюк бобомизда саҳоватпешалик, меҳр-мурувватлилик фуқароларнинг турмуши ва ҳол-аҳволидан хабардор бўлиш каби фазилатлар бор эди ва бу фазилат фақат буюк давлат арбобларига хосдир.

Амир Темур ҳақидаги тарихий образ турли манбаларда бир хил эмас [4]. Яздий ва Шомий каби саройга яқин муаррихлар уни давлат тартибини тиклаган, сиёсий иродани марказлаштирган ва ҳокимиятни қонунийлаштирган шахс сифатида ёритган [1]. Ибн Арабшоҳда эса танқидий нигоҳ кучли бўлиб, унда Амир Темур фаолиятининг зиддиятли жиҳатлари кўпроқ урғу билан берилган. Клавихо эса ташқи кузатувчи сифатида Самарқанд, сарой муҳити ва қабул маросимлари ҳақида нисбатан бошқача тасаввур беради [12]. Бу манбаларнинг қиёсий ўқилиши Амир Темур образини бир ёқлама эмас, кўп қиррали тарихий шахс сифатида англаш имконини беради.

Шу боис Амир Темур ҳақидаги тадқиқотларда идеаллаштириш ва қоралашнинг ҳар иккиси ҳам илмий мувозанатни бузиши мумкин. Тарихий ҳақиқатга яқинлашиш учун манбаларни ўзаро қиёслаш, уларнинг ёзилиш муҳити ва муаллиф мақсадини ҳисобга олиш зарур. Бугунги ахборот асри шароитида ҳам тарихий образ кўпинча фактнинг ўзидан эмас, балки унинг қандай тақдим этилиши ва ким томонидан талқин қилинишига боғлиқ шаклланади [16]. Демак, Амир Темур ҳақидаги манбаларни таҳлил қилиш фақат ўтмишни ўрганиш эмас, балки тарихий хотиранинг қандай қурилишини англашга ҳам хизмат қилади.

Амир Темур меросининг энг муҳим натижаларидан бири унинг Темурийлар даврига қолдирган сиёсий ва маданий пойдевори билан боғлиқдир. Амир Темур вафотидан кейин

салтанат дархол йўқолиб кетган, деган қараш тарихий манзарани соддалаштириб юборади. Албатта, муайян беқарорлик ва тахт учун курашлар кузатилди. Бироқ бу жараён улкан ҳарбий-сиёсий тузилманинг янги шароитда қайта ташкил топиш босқичи ҳам эди. Шоҳрух Мирзо давлатнинг асосий ўзагини сақлаб қолишга муваффақ бўлди. Мирзо Улуғбек даврида эса бу ворисийлик илм-фан, таълим ва маданий юксалиш билан бойиди [6].

Темурийлар ренессанси айнан шу пойдевор устида шаклланди [8]. Агар Амир Темур хавфсиз сиёсий муҳит, тартиб, иқтисодий асос ва давлатчилик анъанасини яратган бўлса, Темурий ворислар шу заминда илм, меъморчилик, адабиёт ва санъатни ривожлантирдилар. Шу жиҳатдан Темурийлар даврини Амир Темурдан узилган мустақил босқич эмас, балки унинг давлатчилик мантиғининг маданий ва интеллектуал давоми сифатида баҳолаш тўғри бўлади [9]. Бу қонуният жуда муҳим: барқарор сиёсий пойдеворсиз узоқ давом этадиган маданий юксалиш юзага келмайди.

Бугунги кунда Амир Темур мероси фақат тарихий хотира ёки рамзий улуғлаш объекти эмас. У давлатчилик, миллий ўзлик, тарихий ворисийлик ва тараққиёт тафаккури билан боғлиқ муҳим маънавий-сиёсий ресурс сифатида англономда [16]. Соҳибқирон таваллудининг 690 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисидаги қарорда илмий анжуманлар ўтказиш, қўлёзмаларни нашрга тайёрлаш, таржималар, китоблар, кўرғазмалар ва маърифий тадбирларни йўлга қўйиш белгилангани шундан далолат беради [17]. Бу жараён фақат тантанавий эмас, балки манбашунослик, тарихшунослик ва хотира сиёсати нуқтаи назаридан ҳам аҳамиятлидир.

Амир Темур меросининг бугунги аҳамияти, айниқса, ёшлар тарбияси билан боғлиқ жиҳатларда яққол кўринади. Қатъият, интизом, адолатпарварлик, илмга ҳурмат, давлатчиликка садоқат ва стратегик фикрлаш каби фазилатлар унинг тарихи орқали англономда. Бироқ буни фақат тарғибот даражасида эмас, балки илмий асосланган ва манбалар билан бойитилган шаклда олиб бориш мақсадга мувофиқ [4]. Чунки илмий асосдан узилган улуғлаш тезда шиорга айланиб қолади, миллий хотирадан узилган тадқиқот эса жамият онгига чуқур сингмайди [5].

Амир Темур мероси билан бугунги давлатчилик ғоялари ўртасида мазмунан муайян яқинлик мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида давлатнинг халқ иродасини ифода этиши ва унинг манфаатларига хизмат қилиши белгилаб қўйилган [18]. “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида самарали давлат бошқаруви, инсон капитали, ижтимоий ҳимоя ва барқарор тараққиёт устувор вазифалар сифатида белгиланган [19]. Албатта, Амир Темур даври билан замонавий ҳуқуқий-демократик давлат ўртасида тўлиқ ўхшашлик йўқ. Бироқ адолат, тартиб, давлатчилик масъулияти ва миллий юксалишни бир бутун тизим сифатида кўриш нуқтаи назаридан маълум маънавий ворисийлик ҳақида сўз юритиш мумкин [17].

Шу нуқтаи назардан қаралганда, Амир Темурни англаш фақат ўтмишни улуғлаш эмас. Бу давлат ва жамият муносабати, қудрат ва адолат мувозанати, сиёсий тартиб ва маънавий юксалиш, ворисийлик ва келажак стратегияси ҳақида ўйлаш демакдир [10, 171-б.]. Агар тарихий хотирадан тўғри сабоқ олинса, у миллатни тараққиётга етаклайди. Амир Темур меросининг энг катта сабоғи ҳам ана шунда намоён бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, Амир Темур тарихда фақат буюк саркарда ёки улкан салтанат асосчиси сифатида эмас, балки давлатчилик тафаккурини янги босқичга кўтарган тарихий арбоб сифатида намоён бўлган. Унинг фаолияти XIV асрдаги сиёсий тарқоқликка берилган амалий жавоб бўлиб, марказлашган давлат, институционал бошқарув, машварат маданияти, иқтисодий тартиб ва дипломатик фаолликка таянган сиёсий моделни шакллантирган. Бу модель фақат ўз даври учун эмас, балки кейинги Темурийлар юксалиши учун ҳам пойдевор бўлиб хизмат қилган [8].

Хулосалар:

Амир Темур меросининг аҳамияти унинг шахси билан чекланмайди. Унинг давлатчилик тажрибаси, адолат ва тартиб ҳақидаги қарашлари, ҳарбий-сиёсий стратегияси ва маданий ривожланиш учун яратган шароити бугун ҳам илмий таҳлил учун долзарбдир [3]. Бу меросни англашда тарихий ҳақиқат, манбалар қиёси ва илмий мувозанатга таяниш зарур.

Айнан шундай ёндашувгина Амир Темур образини замонавий давлатчилик ва миллий тараққиёт тафаккури билан мазмунли боғлаш имконини беради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, куйидаги таклиф-тавсияларни илгари суриш мумкин.

Биринчидан, Амир Темурга оид тадқиқотларда манбалар қиёси усулини кучайтириш лозим. Яздий, Шомий, Ибн Арабшоҳ ва Клавихо каби манбаларни биргаликда ўрганиш орқали тарихий образнинг бир ёклама талқини олди олинади.

Иккинчидан, тадқиқотларда ҳарбий юришлардан ташқари давлат бошқаруви, кадрлар сиёсати, молиявий тартиб, савдо хавфсизлиги ва қарор қабул қилиш маданиятига доир масалаларни чуқурроқ ўрганиш керак.

Учинчидан, Амир Темур меросини таълим жараёнига киритишда уни фақат рамзий қахрамон сифатида эмас, балки давлатчилик, адолат, интизом ва стратегик фикрлаш мактаби сифатида талқин этиш мақсадга мувофиқ.

Тўртинчидан, Темурийлар ренессанси билан бугунги Учинчи Ренессанс ғояси ўртасидаги ворисийликни тарғибот даражасида эмас, балки институционал, маърифий ва цивилизацион тараққиёт нуқтаи назаридан таҳлил қилиш зарур.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. /Сўз боши, табдил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари А.Ахмад ва Ҳ.Бобобеков, – Т.: Шарқ, 1997. –384 б. (Zafarnama by Sharaf al-Din Ali Yazdi. / Introduction, transcription, commentary, and indexes by A. Ahmad and H. Bobobekov. – Tashkent: Sharq, 1997. – 384 p.).

2. Низомиддин Шомий. Зафарнома. Форс тилидан ўгирувчи Юнусхон Ҳакимжонов; масъул муҳаррир А. Ўринбоев. Тошкент: O‘zbekiston, 1996. 506 б.(Zafarnama by Nizam al-Din Shami. Translated from Persian by Yunuskhon Hakimjonov; responsible editor A. O‘rinboev. Tashkent: O‘zbekiston, 1996. – 506 p.).

3. Амир Темур. Темур тузуклари. Тошкент: ILM-ZIYO-ZAKOVAT, 2020. 144 б.(Temur Tuzuklari by Amir Timur. Tashkent: ILM-ZIYO-ZAKOVAT, 2020. – 144 p).

4. Ибн Арабшоҳ. Соҳибқирон Амир Темур тарихи. Тошкент: Info Capital Books, 2024. 496 б.(History of Amir Timur by Ibn Arabshah. Tashkent: Info Capital Books, 2024. – 496 p).

5. И.Мўминов. Амир Темурнинг Ўрта Осиё халқлари тарихида тутган ўрни ва роли. Тошкент: Fan, 1993. 29 б.(The Role and Place of Amir Timur in the History of Central Asian Peoples by Ibragim Muminov. Tashkent: Fan, 1993. – 29 p.).

6. Б.Аҳмедов. Амир Темурни ёд этиб. Тошкент: Fan, 2018. 393 б.(Remembering Amir Timur by B. Ahmedov. Tashkent: Fan, 2018. – 393 p)

7. Б.Аҳмедов. Тарихдан сабоқлар. Тошкент: O‘qituvchi, 1994. 429 б.(Lessons from History by B. Ahmedov. Tashkent: O‘qituvchi, 1994. – 429 p.)

8. А.Муҳаммаджонов. Темур ва темурийлар салтанати. Тошкент: Qomuslar Bosh tahririyati, 1994. 144 б.(Timur and the Timurid Empire by A. Muhammadjonov. Tashkent: Chief Editorial Office of Encyclopedias, 1994. – 144 p.).

9. Р.Қосимов ва бошқалар. Амир Темур жаҳон тарихида. Тошкент: Sharq, 2000. 134 б.(Amir Timur in World History by R. Qosimov et al. Tashkent: Sharq, 2000. – 134 p.).

10. З.Ботиров. Амир Темур ва “фозил жамият” концепцияси. Academic Research in Educational Sciences, 2023, 4(7), 167–173.(Amir Timur and the Concept of a “Virtuous Society” by Z. Botirov. Academic Research in Educational Sciences, 2023, 4(7), pp. 167–173).

11. Т.Алимардонов. Амир Темурнинг Оvroоsiё геосиёсати ёхуд унинг тарихий сабоқлари. <https://kh-davron.uz/kutubxona/multimedia/tolqin-alimardonov-amir-temurning-ovroosiyo-geosiyosati-yoki-uning-tarixiy-saboqlari> (Amir Timur’s Eurasian Geopolitics or Its Historical Lessons by T. Alimardanov).

12. Клавихо, Руи Гонсалес де. Дневник путешествий в Самарканд ко двору Тимура (1403-1406). М.: Наука, 1990. – 211 с.(Diary of a Journey to Samarkand to the Court of Timur (1403–1406) by Ruy Gonzalez de Clavijo. Moscow: Nauka, 1990. – 211 p.).

13. <https://yuz.uz/oz/news/amir-temur-davrida-qurultoylarning-orni-va-rol-1-maqola>
14. <https://yuz.uz/oz/news/amir-temur-davrida-qurultoylarning-orni-va-rol-2-maqola>
15. <https://oyina.uz/kiril/article/161>
16. <https://yuz.uz/oz/news/amir-temur-merosi--yosh-avlod-uchun-muhim-manaviy-manba>
17. <https://president.uz/uz/lists/view/8917>
18. <https://constitution.uz/oz/clause/index>
19. <https://lex.uz/ru/docs/-6600413>

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000